

**«ЮНУСОБОД ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
БАЁНИ**

2025 йил 3 апрел

Тошкент шаҳар.
соат 12 -^{оо} да

Овоз берувчи акциялар сони: 650000

Акциядорларнинг 2023 йил молиявий фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Юнусобод -3 мавзеси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 3 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 622316 овозга эга акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95,73 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият устав жамғармасининг 94.95% эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг 2025 йил 02 апрелдаги № 01-01/736-сонли ишончномасига асосан Марказ масъул ходими Шамансуров Шоаброр Шамахкамovich қатнашди.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Ш.Шамансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК масъул вакили

Т.К.Камолов – Кузатув кенгаши аъзоси

Ш.Д.Ахметов – «Юнусобод дехқон бозори» АЖ директори

Реестр бўйича акциядорлар сони 765 та. 650000 овоз. Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядорлар 622316 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун қворум 95.73 % ни ташкил этди.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ш.Шамансуров олиб борди.

Ш.Шамансуров йиғилиш ўтказиш учун қворум 95.73 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Э.Б.Кучаров номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Ш.Шамансуров йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Ф.Зокирова, Э.Б.Кучаров ва М.Асатовааларни овозга қўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижро органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
2. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташиқи аудиторлик текшируви хулосасини қўриб чиқиш;
3. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойда ва зарарларини тақсимлаш;
5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;
6. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентларни жамият ихтиёрида қолдириш.
7. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
8. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
9. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини қўриб чиқиш;
10. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқла
11. ш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамият ташикий тўзиммасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;
13. Жамият ҳисобида мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қариздорликни олинган соф фойда ҳисобидан чиқариш.
14. Жамият “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров кун тартибидagi масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Ш.Ш.Шамансуров сўзни жамият директори Ш.Д.Ахметовга берди.

Ш.Д.Ахметов сўзга чиқиб, «Юнусобод дехкон бозори» АЖ нинг 2024 йил молиявий– хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум қилди:

«Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2024 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2024 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарилганлиги ва айрим қисмлар бажарилмаган.

Жаъми даромадлар режаси 18 010.0 млн.сўм, амалда 18 295.5 млн.сўм, режа 101.58 (%) фоизга ёки режага нисбатан 285.4 млн.сўмга кўп бажарилганлигини айтиб ўтди ва сметанинг тўлиқ матни билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (смета бажарилиши иловада).

2024 йил бўйича соф фойда режаси 2 494.5.0 млн.сўм режалаштирилган бўлса, амалда 2 499.3 млн.сўм, режага нисбатан 4.7 млн.сўм. кўп бажарилди.

Жамият директори Ш.Д.Ахметов ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2024 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 103.5 % ташқил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, юқори даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Кузатов кенгаши аъзоси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамият Кузатов кенгашининг 2024 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2024 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган ҳисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик, йил даомида айрим бажарилмай қолган курсаткичларга танқидий куз билан қараб уларни 2024 йилда барча курсаткичлар ортиги билан бажаришни, ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатов кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроия орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2024 йил 27 ноябрида Кузатов кенгаши мажлисида дастлабки тарзда маъқулланди, тасдиқлаш учун 2025 йил 03 апрелдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатов кенгашига бериб борилди. 2024 йил мобайнида “Юнусобод дехкон бозори” АЖ Кузатов кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатов кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис катнашчиларини таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова ҳисобот берди.

М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2024 йил молиявий–хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги “ABS FINANS AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан 2025 йил 27 мартда 783-25-сонли ижобий ҳулоса акциядорларга тақдим этилди. Акциядорлар ўз фикрларини бериб мақуллашди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосиб М.М.Мавляновага берди.

Жамият бош мухосиби М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятни 2024 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

“Юнусобод деҳқон бозори” акциядорлик жамиятининг 2025 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси.

(минг сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	9 455 812,0	Устав капитали	845 000.0
Узоқ муддатли инвестициялар жами	20 993,	Резерв капитали	1 381 261.0
Товар моддий захиралари	291 561,0	0	0
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	0	Таксимланмаган соф фойда	3 643 459.0
Дебиторлар	850 193,0	Мақсадли тушумлар	2 417 608.0
Пул маблағлари	610 602,0	Кредиторлар	5 863 788.0
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари	2 831 622.0		0
Қисқа муддатли инвестициялар	90 333.0		0
Жами	14 151 116.0	Жами	14 151 116.0
		Соф фойда	2 499 300.0

Молиявий натижалари:

- 1.Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум 16 065 930.0 минг сўм.
- 2.Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 3 177 289,0 минг сўм.
3. Фойда солиғи 677 989,0 минг сўм.
4. Ҳисобот даврининг соф фойдаси 2 499 300,0 минг сўм.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосиби М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, 2024 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2024 йил якуни бўйича олинган 2 499 300 000 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 1 249 650 000 сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- Жамиятда 2024 йил якуни бўйича эришилган натижаларидан келиб чиқиб, жамият жамоа шартномасини инобатга олиб, жамият бошқарув органлари (кузатув) ва ходимларини 2024 йил якуни бўйича рағбатлантиришга 550 816 000 сўм (шундан кенгаш аъзоларига 81 800 000 сўм) ажратилсин;

- жамиятнинг захира жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмайди;

- Жамиятнинг 2020-2021 йиллардаги соф фойдаси ҳисобидан солиқ органлари жами такрорий равишда пул маблағлари ечиб олганлиги, мазкур масалада суд органларининг барча инстанцияларига ва прокуратурага жамият ва тизимдаги бошқа жамиятларнинг қилинган мурожаатлари бўйича рад жавоби келганлиги маълумот учун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасида суднинг қарори билан мажбуриятни бекор бўлиши Умидсиз қарз эканлиги қайд этилганлигидан келиб чиқиб, 225 555 000 сўм умидсиз дебиторлик қарзни соф фойдадан ҳисобдан чиқариш.

- Қолган 471 279 000 сўмни жамиятни ривожлантириш ишларига қолдириш.

Жамиятнинг “Ижро этувчи органи тўғрисидаги Низом”нинг 3.4 бандининг 9-сўз бошига асосан жамият директори рағбатлантириш маблағларини мустақил тақсимлаш ҳуқуқига эга.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича сўзни жамият директори жамият директори Ш.Д.Ахметов 2025 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилганларни таништирди, бизнес режа кўрсаткичлари бугунги кунда амалда

бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2025 йил 14 февралдаги 101-14-0-Q/25-сонли “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, ишлаб чиқилганлигини айтди ва «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2025 йилда амалга ошириладиган ишлари, ҳамда “Даромадлар ва харажат сметаси режаси”га” бозор ҳудудида замановий бозорини ташкил этиш яъни қайта қуриш ишлари олиб боришни режалаштирилаётганлиги сабабли айрим курсаткичларга таъсир этишини инобатга олган ҳолда ўзгартирилишлар киритилишни билдирди. Имкон қадар жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш мавжуд бўлган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йўллари топиш кўрсатилганини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқиб қуйидагиларни айтиб ўтди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2014 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ 370-сонли Қонунининг 51-моддаси “Дивидендларни тўлаш тартиби”нинг 5-хат бошида “Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд” акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади дейилганлигидан келиб чиқиб, бугунги кунда 17 454.0 минг сўм муддати утган дивиденд борлигини айтди ва ушбу маблағни жамият ихтиёрида қолдириш таклифини киритди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов сўзга чиқиб қуйидагиларни айтиб ўтди:

- 2024 йил 3 апрел куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Шерзод Ахметов Дилшатович сайлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва ҳушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий қафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2024 йилда ижобий кўрсаткичларга эришгани;

- Ш.Ахметов билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси имзолангани ва меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инобатга олиниб шартнома уч йил муддатга тузилиши, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган иштирокчи умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши кўрсатилгани;

- Жамият директори Ш.Ахметов 2024 йилда ижобий натижаларга эришганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолати яхши эканлиги, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берган ҳисоботларининг даврийлиги ижобий бўлганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги таклифини киритди.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга қўйилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2025 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни билан ўзгартириш киритилганлиги, жумладан, 76-1 моддаси қўшимча қўшилганлиги, унда “акциялари фонд биржасининг биржа котиловкаси varaғига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий

Йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади” деб кўрсатилганлиги муносабати билан бугунги йиғилишда ҳам мустақил аъзоликка ҳам номзод кўрсатилганини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги **тўққизинчи масала** бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, “EXPERT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2025 йил 25 мартдаги Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди. (“EXPERT-AUDIT” МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушгани:

1. “AUDIT-RUMANS” МЧЖ - 16 000 000 сўм ҚҚС билан,
2. “ABS FINANS AUDIT” - 14 000 000 сўм ҚҚС билан;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятда 2019-2022 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдадан жамиятни ўзи тўлаган дивидент тўловидан ташқари яна солиқ органлари томонидан жами 417 555 243 сўм қўшимча пул маблағи солиқ органлари томонидан ортиқча ечиб олинган, олинган ортиқча ечиб олинган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига ёки бошқа туловлари ҳисобига утказиш учун жамият томонидан ёзма равишда мурожат этилган лекин солиқ органи томонида қайтаримлмаган ва бошқа туловлар ҳисобига утқазилмагандан кейин Жамият томонидан Тошкет туманлар аро иқтисодиёт судага мурожат этилган. Лекин суднинг 2023 йил 17 февралдаги 4-1001-2211/71875-сонли ҳал қилувчи қарорига ҳамда 2023 йил 12 апрелдаги апелляция суд қарорларига асосан 417 555 243 сўм пул маблағларини бюджетдан ундириб бериш тўғрисидаги даъво талаблари қанотлантириш рад этган.

2024 йил жамият Кузатув кенгашининг 27 декабрдаги қарорига асосан даъво аризаларига рад жаоблари берилганлигини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасида суд қарори билан мажбуриятни бекор бўлиши Умидсиз қарз эканлигини қайт этилганлигини инобатга олиб жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 27 декабрдаги қарорига асосан 190.0 млн сум ҳисобдан чиқарилган, қолган 227 555 000 сўм умидсиз дибеторлик қарзни 2024 йил олинган соф фойда ҳисобидан чиқариш таклифи берилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи масала** юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т Камолов сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг “Кузатув кенга ҳақида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган низом лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси Э.Б.Кучаров ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршима н»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хақиқий эмаслар	
1	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.1	А.А.Раззоқов	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.2	К.Р.Расулов	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.3	Р.А.Арифов	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.4	Ш.Ш.Шамансуров	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.5	Т.К.Камолов	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.6	А.К.Чоршанбаев	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.7	Н.М.Исроилова	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Масала	622316	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

Қарор қабул қилади.

1. «Юнусобод деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ);

2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти МЧЖ шаклидаги “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил 27 мартдаги 783-25-сонли аудиторлик ижобий фикр хулосаси тасдиқлансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ);

3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ);

4. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши йўқ %, бетараф– йўқ);

4.1 Жамият ташқи аудитори “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2024 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2024 йил якуни бўйича олинган 2 499 300 000 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланиши тасдиқлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 1 249 650 000 сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- Жамиятда 2024 йил якуни бўйича эришилган натижаларидан келиб чиқиб, жамият жамоа шартномасини инобатга олиб, жамият бошқарув органлари ва ходимларини 2024 йил якуни бўйича рағбатлантиришга 550 816 000 сўм (шундан кенгаш аъзоларига 81 800 000 сўм);

- жамиятнинг заҳира жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмайди;

-Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасида суд қарори билан мажбуриятни бекор бўлиши Умидсиз қарз эканлигини қайт этилганлигини инобатга олиб 227 555 000 сўм умидсиз дибеторлик қарзни ҳисобдан чиқаришга.

-Қолган 471 279 000 сўм соф фойда жамиятни ривожлантиришга қолдирилсин.

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шarti билан тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган 17454,0 минг сўмлик дивидендлар жамият ихтиёрида қолдирилсин (ёқлаган – 622316 та овоз 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Ш.Ахметов билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин ва унинг 2024 йил фаолияти ижобий бўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин (ёқлаган 622316 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8. Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 94,95 % акциядори ҳокимият вакили) 622316 - та овоз

8.2. Расулов Камолиддин Раимберди ўғли жамият устав фондининг 94,95% акциядори ҳокимият вакили) 622316 - та овоз

8.3. Шамансуров Шоаббор Шамаҳович жамият устав фондининг 94,95% акциядори ҳокимият вакили) 622316 - та овоз

8.4 Камолов Толмас Каримович жамият устав фондининг 94,95 % акциядори ҳокимият вакили) 622316 - та овоз

8.5 Арифов Равшан Абдуллаевич жамият устав фондининг 94,95 % акциядори ҳокимият вакили) 622316 - та овоз

8.6 Чоршанбиев Акмал жамият устав фондининг 94,95 % акциядори ҳокимият вакили) 622316- та овоз

8.7 Исроилова Насиба Мустафаевна (мустиқил аъзо) 622316 - та овоз

9. Жамият «EXPERT-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви текшируви бўйича ижобий натижаси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида курсатилган камчилик натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

10. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «ABS FINANS AUDIT» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 14 000 000 сўм миқдори этиб белгилансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар инобатга олинсин ва ушбу ташкилий тузилма тасдиқлансин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасида суд қарори билан мажбуриятни бекор бўлиши Умидсиз қарз эканлигини қайт этилганлиги инобатга олиниб, 227 555 000 сўм умидсиз дебиторлик қарз жамиятнинг 2024 йил олинган соф фойдаси ҳисобидан чиқарилсин (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

13. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши ҳақида»ги низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар инобатга олинсин ва ушбу низом янги таҳрирда тасдиқлансин. (ёқлаган 622316 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

14. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: « » апрел 2025 йил.

Мажлис раиси

Ш.Ш.Шамансуров

Мажлис котиби

Э.Б.Кучаров